

Хам журналист, хам шоир, хам драматург, хам носир Жуманиёз Жабборов Кашкадарё вилояти, Косон ноҳиясидаги Пўлоти кишлоғида 1930 йили дунёга келган. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат дорилфунунида тахсил кўрган. 1952—1953 йилларда Москвадаги Адабиёт олий курсида ўқиган. Шундан сўнг «Шарк юлдузи» ойномасида (1953—1962) аввал бўлим бошлиғи, сўнг масъул котиблик қилган, 1962—1964 йилларда «Гулхан» ойномасига муҳаррир бўлган. 1964—1976 йилларда «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») рўзномасида бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлайди. 1976—1981 йиллар мобайнида Республика партия Марказий кўмитасида шўба мудир, 1981—1985 йилларда Гафур Гулом нашриётида директор, 1985—1990 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги таржима ишлари бўлими маслаҳатчиси, 1990 йилдан то ҳозирги кунгача Ўзбекистон Давлат мукофотлар кўмитаси бўйича масъул котиб бўлиб ишлаб келмоқда.

Жуманиёз Жабборовнинг адабий фаолияти 50-йиллардан бошланган. Ҳозиргача йигирмадан ортиқ шеърий, насрий тўпламлар, ўнлаб дostonлар ва драмалар яратган. Ашш чоғда болалар шоири сифатида «Тоғдаги учрашув» (1986), «Гулжаҳон ва Хасанжон» (1968) тўпламларини яратган. Унинг биринчи шеърий тўплами эса 1953 йилда «Ватанимни уйлайман» номи билан чоп этилган. Шундан сўнг «Баҳор нафаси» (1956), «Мақсад йўлида» (1958), «Тоғлар садоси» (1961), «Она ер кўшиғи» (1962), «Субҳидам хаёллари» (1964), «Шеърлар» (1966), «Сахро санами» (1967), «Лирика» (1970), «Илхом дақиқалари» (1971), «Еътикод» (1978), икки жилдлик «Сайланма» (1980—1981), «Хаёлимда ўзинг» (1985), «Кўпгим гўзали» (1991) каби шеър ва дostonлар тўпламлари, «Дostonлар» (1974), «Қуёш юрти» (1983) каби йирик поемалар мажмуаси, «20 кун дафтари» (1967), «Сохиллар хикояси» (1978) каби насрий асарлар йигиндиси нашр бўлган. Шунингдек, «Гулшан» (1957), «Тоғлар садоси» (1959), «Она ер кўшиғи» (1961), «Сахро санами» (1966), «Йўлдаги ўйлар» (1968), «Дишлоқ-даги хайкал» (1970), «Муҳаббат наққоши» (1980) каби дostonлар яратилган.

У моҳир шоир, хикоянавис, очеркнависгина эмас, таникли драматург сифатида ҳам баракали ижод қилиб келади. Айниқса, у яратган «Ўжарлар» (1971), «Йиллар ўтиб» (1975), «Тўйдан олдин томоша» (1979), «Менинг оппоқ кабутарим» каби драмалари Тошкентда, қатор вилоят театрларида, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари сахналарида қўйилиб келади.

Жуманиёз Жабборов моҳир ва сермахсул таржимон сифатида Лермонтов, Байрон ва Фирдавсийлар асарларини ўз она тилида сўзлатган.

Шоир, носир, драматург ва журналист Жуманиёз Жабборов адабиёт ва халқ олдидаги ана шу хизматлари учун кўша-кўша орден ва медаллар, фахрий ёрлиқдар билан тақдирланган. 1980 йилда эса унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилган.